

**ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ**

Болтаев Фаррух Фарходович

Самарқанд давлат чет тиллар институти, стажор-тадқиқотчи

E-mail: boltayev-f@samdchti.uz

**Аннотация**

Ушбу мақола глобаллашув даври маданияти тизимида тилнинг моҳиятини ижтимоий-фалсафий таҳлил қилишга бағишланган. Иқтисодиётсиз миллий тараққиёт бўлмаганидек, миллий-маънавийсиз иқтисодиёт ҳам ривожлана олмайди. Иқтисодий ривожланиш халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган бўлса, миллий – маънавийни ривожлантириш уларни маънан юксалишга ва иқтисодий соҳада яқдиллик билан фаолият олиб боришга хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** миллий тараққиёт, миллий онг, маънавий ва моддий мерос, миллий ғурур ва ифтихор, миллий ўзликни англаш.

**PROCESSES OF GLOBALIZATION AND NATIONAL IDENTITY****Annotation**

This article is devoted to the socio-philosophical analysis of the essence of language in the culture system of the globalization era. Just as there is no national development without the economy, there can be no economy without the national-spirituality. While economic development is aimed at ensuring the well-being of the people, the development of national-spirituality serves to their spiritual growth and to work together in the economic sphere.

**Key words:** national development, national consciousness, spiritual and material heritage, national pride, understanding of national identity.

Бугунги кунда инсоният оламшумул кашфиётларни қўлга киритдики, бунда ўликни тирилтиришдан бошқа барча соҳалардаги мураккаб муаммоларни ҳал қилиш даражасига етиб келди. Аммо, бу билан у ўзининг бежавотир, турли хил таҳдидлардан холи равишда яшаши ўрнига, аксинча, турли қарама-қаршилиқлар ва зиддиятлар гирдобида ҳаёт кечиришга мажбур бўлмоқда. Ачинарли жиҳати шундаки, унинг онги ва интеллектуал салоҳиятининг юксак даражада ривожли уларни ўз ҳаёти учун ўта муҳим бўлган тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ўрнига ўзини ҳалокатга олиб келадиган энг даҳшатли техника, технология ва қуролларни ишлаб чиқишга сарфламоқда. Бу бутун дунё халқларининг ана шундай қуроллар таҳдиди остида яшашларига мажбур этмоқда. Бу жараёнга юксак тараққиётга эришган мамлакатлар карвонбошилиқ қилмоқда. Мазкур мамлакатлар халқининг аксарият қисми фаровон ҳаёт кечириётганига қарамасдан, улар олиб бораётган сиёсатда қандай бўлмасин ер юзига ҳукмронлик қилиш, ўзгаларни тоъбе қилиш, мавжуд ер ости ва усти ресурсларига эгалик қилиш каби стратегик вазифаси амал қилмоқда.

Миллий онг миллатни ҳаракатга келтирадиган, уни турли таҳдидлардан огоҳ қиладиган омилдир. Унинг қуйидаги функциялари миллат тараққиётини таъминлаш омили сифатида

амал қилади: миллий ўзликни англашнинг манбаси сифатида миллатни ўз мақсадлари йўлида ҳаракатга келтиради;

миллат манфаатларини ҳимоя қилувчи маънавий куч сифатидаги функцияни бажаради; миллат вакилларида миллат тақдири, унинг истиқболи учун масъуллик туйғуларини шакллантиради; миллий маданий меросдан қувват олиш баробарида, уни асрашни миллат вакиллари онгига сингдириш омили сифатида намоён бўлади; миллат тараққий этишининг асосий кучи бўлган миллий бирликни мустаҳкамлашга хизмат қилади; миллатга нисбаттан юзага келадиган хавф-хатарлар ҳақида огоҳлик руҳиятини шакллантиради; миллатга маънавий-руҳий қувват бағишлайди ва айна пайтда, унинг ўзлигини намон этувчи “мен”ликка “қиёфа” бахш этади; у турли миллатлар билан ҳамкорлик орқали тараққий этиш ғоялари ривожига ижобий таъсир ўтказади.

Аммо миллий онгнинг тараққий этиши, унинг ўз манфаатлари доирасида чекланиб қолишига олиб келмаслиги лозим. Чунки бу ҳолат ҳар қандай миллатнинг истиқболини барбод этади. Миллий тараққиёт - турли миллатлар билан ўзаро ҳамкорлик натижасида юзага келади. Бу миллий тараққиётда икки жиҳатдан: биринчидан, ўзини ўзгалар билан турли соҳалар (иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий) бўйича солиштиради ва уларнинг ютуқларидан фойдаланади, камчиликларидан сабоқ олиб, ўзида уларнинг такрорланишининг олдини олиш имкониятига эга бўлади; иккинчидан, ўз ютуқларини ўзгалар ўртасида оммалаштиришга ва шунинг асносида ўзлигини асрашга, ўз манфаатларини ҳимоя қилишга бўлган интилиши кучайиб боради.

Ана шу омиллардан келиб чиқилганда, амалий онгнинг ривожланиши нафақат айрим олинган ҳар бир миллатнинг бугунги, эртанги ва истиқболдаги тараққиёти, шунинг билан бирга, у билан ёнма-ён, узоқ ва яқинда яшаётган ҳамда у билан ҳамкорлик қиладиган миллатлар учун ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Албатта, миллий онгнинг ривожланиши ва истиқболи миллатнинг ўзига, унинг менталитети, нималарга устуворлик билан қарашига ва мойиллигига боғлиқ бўлади. Миллатнинг кучли маънавий ва моддий меросларга бой бўлиши гарчанд унинг тараққиёти учун бири бўлса-да, бу унинг ҳали ривожланишини таъминлайди дегани эмас. Бу, аввало, улардан қандай фойдалана олади ва фойдаланишда ўзгараётган замон руҳияти, имкониятларини қай даражада уйғунлаштира олишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Хусусан, маънавий ва моддий мерослар амалда миллатнинг фақат маънавий ривожланишига эмас, шунинг билан бирга, унинг ўз тараққиёти учун асрлар давомида аждодлар тўплаган тажриба мактаби вазифаси эканлигини, улардан сабоқ олишга бўлган интилиши ва маданиятининг ҳам ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказади.

Миллий онг ривожланишини миллат тараққиётининг асосий мезонларидан бири сифатида қарар эканми, унинг истиқболи асрлар давомида шакланган менталитети билан боғлиқлигини ҳам назарда тутиш лозим. Чунки менталитет консерватив характерга эга бўлиб, уни ҳеч қачон бир «зарб» билан ёки қарор, фармон ёхуд инқилоблар билан ўзгартириб бўлмайди. У ўзининг қонуниятлари асосида ривожланиб боради. Чунки унинг негизини онг, дунёқараш ташкил этади. Аммо бу уларни ўзгартиришнинг имконияти йўқ дегани эмас, бу ерда гап миллий онгни макон ва замонда кечадиган жараёнларни ҳисобга олган ҳолда ривожланишига унинг менталитетини босқичма-босқич унга, юмшоқ қилиб айтганда, мослаштириб бориш зарур бўлади. Уни ўзгартиришга қаратилган кескин ҳаракатлар ва

чораларни кўриш ижобий эмас, балки салбий натижалар беради. Асосий муаммо, тараққиётнинг бир босқичидан иккинчисига ўтишда, энг аввало, миллий онг ривожланишини ўта вазминлик ва босиқлик билан, истиқболни кўзлаб, мақсадга йўналтира билиш билан боғлиқ.

Бугун жаҳоннинг юксак иқтисодий тараққиётига эришган мамлакатларнинг тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, миллатни, халқни, бир томонланма фақат иқтисодий фаровонликка йўналтириш, унинг иккинчи муҳим йўналиши бўлган маънавиятга беътибор бўлиш ёки унга беписандлик билан қараш, иқтисодий фаровонликка эришганда ҳам у миллат, халқ ва мамлакат тўлақонли ривожланишга эриша олмас экан. Бугун юксак иқтисодий тараққиётга эришган мамлакатлардаги миллат ва халқлар бугунги маънавий қашшоқлашув ҳолатидан чиқа олмайди. Боз устига улар ўзларининг юксак фаровонликка эришган тажрибалари уммонига бошқа миллатлар ва халқларни ҳам тортмоқдалар. Бу амал қилаётган жараённи теран англаган мамлакатлар ва уларда яшаётган миллат ва халқларгина ўзларини асраб қола олишлари мумкин. Албатта, бу жараён ниҳоятда зиддиятли, унга кириш осон, ўзини асраш эса ниҳоятда мураккаб. Чунки у ниҳоятда жадаллашиб бормоқда ва жаҳон мамлакатлари тараққиётида устувор даражада кетмоқда. Айтиш мумкинки, азалий қадрият даражасига кўтарилган эзгулик билан ёвузлик, тараққиёт билан инқироз ўртасидаги кураш бугун ҳам давом этмоқда. Улар ўртасидаги фарқ шаклларнинг ўзгаришида, мазмун эса ўзгаришсиз қолмоқда. Агар инсонлар юзага келган ана шу жараёндан чиқиб кетиш йўлидан боришда ягона кучга айлантиришга ҳаракат қилиб, эзгуликни дунёда оммавий онг даражасига кўтара олсалар, миллатнинг бардавомлиги таъминланади. Акс ҳолда, унинг истиқболи сўроқ остида қолаверади. Миллат фаровонлигини таъминлашнинг муҳим имкониятларининг бири эса, миллий онгни шиддат билан ривожланаётган техноген онг билан уйғун ривожлантиришни стратегик вазифага айлантира билишдир.

Миллий онг инсоннинг дунёга келиши, ота-она ва оила бағрида шакллана бошлайди ва жамиятда камол топади. Шунинг билан бирга миллий онгнинг заминидан онгнинг бошқа шакллари ҳам ривожланиб боради. Миллий онгнинг шаклланишида ота-она ва оиладаги тарбия қадриятлари асосий манба ҳисобланади. Хўш, миллий онгнинг ўзи нима?

Миллий онг миллатнинг тарихи, тақдири ва истиқболи билан боғлиқ бўлган, унинг манфаатлари, муаммоларига тасаввурлари ва қарашларини ифодаловчи, миллат фаолиятига, мақсадларига йўналишларни берувчи қарашлар, ғоялар, фикрлар тизими ҳисобланади. Миллий онгнинг устуворлик жиҳати шундаки, у миллатнинг реал субъект сифатида сақланиб қолиши ва миллий ўзликни англашнинг шаклланиши, ривожланиши ҳамда такомиллашувининг манбаи ҳисобланади. Миллий онг бўлмаса, миллий ўзликни англаш шаклланмайди. Бу инсоннинг миллат вакили сифатидаги мақомида ўз-ўзини англаши, унинг миллий онгининг шаклланиши билан билан боғлиқ бўлади деганидир. Яна ҳам аниқроғи, миллий ўзликни англаш миллий онгнинг моддий куч сифатида намоён бўлишидир. Бу моддий куч қуйидаги кўринишларда ўзини намоён этади:

- миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиради. Миллат вакилларининг миллий ўзлигини англаши, уларда миллатнинг ўтмишда ва бугунда эришилган ютуқларидан шод бўлиши ва мағрурлик руҳиятини шакллантиради ҳамда ривожлантиради. Миллий ғурур ва ифтихор миллат вакилларида эртанги кунга, ўзига ишонч, юксак оптимизм (кўтаринкилик) руҳиятининг олий кўриниши ҳисобланади. Бу туйғулар миллатга яратувчилик, бунёдкорликка

куч, қувват бағишлайди;

- миллий ўзликни англаш миллатнинг ҳар бир вакилида миллат тақдири, унинг истиқболи учун масъуллик туйғуларини шакллантиради. Агар ана шу туйғулар саёзлашиб борадиган бўлса, бу, энг аввало, миллий парокандаликнинг юзага келишига ва унинг оқибатида миллий ривожланишнинг барбод бўлишига олиб келади;

- миллий ўзликни англашнинг ривожланиши, миллат вакилларида миллий манфаатларни англаш ва уларни ҳимоя қилиш руҳиятини шакллантиради. Миллий манфаатларни англаш шу даражада муҳимки, у бўлмаса миллат ўзининг «мен»лигини ҳам намоён эта олмайди. Миллий манфаатларнинг кўлами кенг бўлиб, у миллат мавжудлигини таъминловчи иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий омилларни ўзига қамраб олади. Миллат вакилларида ўз миллати манфаатларини англашнинг ривожланиши натижасида ана шу омиллар фаоллашади, бу борада ўзга миллатлардан кам бўлмаслиги масъулиятини англаб етадилар ва уларни ривожлантиришда бир-тан бир жон бўлиб ҳаракат қиладилар;

- миллий меросни асраш, уни кейинги авлодларга етказиш руҳияти ҳам миллий ўзликни англашнинг ривожланиши натижасидагина юзага келади. Аслида маълум даражада ўзининг миллий мероси бўлмаган миллатнинг ўзи бўлмайди, фақат улар турли даражада ва кўринишда мавжуд бўлади. Чунки миллий мерос заминида миллий онг шаклланади, у ҳар доим миллат вакиллари учун миллий- маънавий руҳий «либос» вазифасини бажаради. Ундан маҳрум бўлиш ёки унга эътиборсизлик билан қараш муқаррар равишда миллатнинг ўзга миллатларга қўшилиб (ассимиляция) ва сингиб кетишига олиб келади. Чунки ўз миллий меросига эътиборсизлик билан қараш миллат вакилларида ўзга миллатларнинг, яъни ўзидан юксак даражада тараққиётга эришган миллатларнинг маънавиятини ўзлаштиришга мойиллик руҳиятини юзага келишига олиб келади. Худди мана шу салбий ҳолатнинг олдини олиш вазифасини миллий маънавиятни ўзига сингдирган ўзликни англаш омили бажаради. Ўзининг маънавияти бўлмаган миллат оломонлигича қолаверади. Зеро, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Биз халқнинг номи билан эмас, балки маънавияти, маданияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз»[1].

Бу жараёндаги мураккаб муаммо шундаки, бугунги кунда юксак тараққиётга эришган миллатлар юқорида келтирилган тараққиётнинг қуйи босқичидаги миллат ва этник бирликларга нисбатан турли хавф-хатарларни юзага келтирмоқдалар. Бу нафақат оммавий маънавиятни уларнинг онги, миллат тафаккури ва онгининг ҳосиласи бўлган тилларидан ҳам маҳрум этишни амалга оширмоқдалар. Жумладан, ҳозирги кунда дунёда 6 805 та тил мавжуд бўлган шароитда уларнинг 80 фоизи йўқолиб кетиш хавфи юзага келмоқда [2].

Юксак тараққиёт даражасига кўтарилган миллатлар, ўзларидан кам ривожланган миллатлар яшётган мамлакатларга иқтисодий ёрдам кўрсатиш, сармоялар киритиш, кадрлар тайёрлашга ёрдам бериш, замонавий техника ва технологияни киритиш ва бошқа бир қатор фаолиятлари орқали бу мамлакатларда ўз тилларининг ҳукмрон бўлишига ҳам эришмоқдалар. Бу жараённинг хатарли жихати шундаки, ана шу кўрсатилаётган ёрдамлар эвазига кам ривожланган мамлакатларда яшаётган миллатлар юксак тараққиётга эришган миллатларга ассимиляция (кўшилиб кетиши) бўлиб кетиш жараёнига, билиб-билмаган ҳолатда кўникиб бораётган миллатларнинг ўзлигини англашга бўлган интилишининг сўниб бориш жараёни миллий тилларнинг мулоқот воситаси, тафаккур, онг ва руҳиятнинг ифодаси сифатидаги

мақомнинг ҳам барбод бўлишига олиб келаётир. Агар миллатнинг илғор вакиллари бу жараёни ўз вақтида англаб, унинг олдини олишда етакчилик қилиш йўлида фидойилик кўрсатмас эканлар, у ҳолда энг аввало, кўпгина миллий тиллар йўқ бўлиши ва унинг оқибатида дунёдаги жуда кўп миллатларнинг ўзгаларга ассимиляция бўлиб кетиши хавфи кучайиб бораверади. Худди мана шу жараёнда миллий ўзликни англашнинг ривожланишида миллатпарварларнинг фидойилиги кучли бўлсагина миллатни бу хавф-хатардан асраш мумкин бўлади.

Миллий ўзликни англашнинг яна бир вазифаси миллий бирликни мустаҳкамлашда намоён бўлади. Аввало, қачон миллий бирлик вужудга келади ва у нималарда ўз ифодасини топади? - деган саволга жавоб излашга тўғри келади. Миллий бирлик миллат вакилларининг аксарият қисмининг миллий ўзлигини англашнинг юксак даражада ривожланиши, унинг бугуни ва истиқболи учун дахлдорлик туйғуларининг мустаҳкам бўлишида ўз ифодасини топади. Бу ҳолат амалиётда миллатга ташқаридан бўладиган турли-туман хавфларнинг юзага келиши ва уларнинг олдини олишда табиатда содир бўладиган турли офатларни бартараф этишда мамлакатни тараққий қилдириш ва унинг жаҳондаги нуфузини ошириш ҳамда мустаҳкамлашда намоён бўлади. Мамлакат ички ҳаётида содир бўладиган турли салбий жараёнлар, жумладан, моддий жиҳатдан кескин табақаланиш, миллат вакилларининг бойлар ва камбағалларга ажралиши, коррупциянинг авж олиши, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчиликнинг юзага келиши, демократик қадриятларнинг реал ҳётдан орқада қолиши, қонунларнинг устуворлиги таъминланмаганлиги кабилар оқибатида миллий бирлик ҳам барбод бўлишига олиб келади.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998. 18-бет
2. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат (сиёсий-фалсафий таҳлил). – Тошкент: Янги аср авлоди. 2008. – 71-бет
3. Отамуратов С. Глобаллашув: миллатни асраш масъулияти. – Тошкент: Ўзбекистон. 2018. – 108-114-бет
4. Boltayev F.F. Theoretical and methodological aspects of the philosophical analysis of the interaction of language, thought and culture in the context of globalization // Philosophy and life. International magazine. – 2022. – №. SI-1. p. 6
5. Boltayev F.F. Philosophical analysis of the features of language and culture in the process of globalization // Academia globe: interscience research. – 2022. – Т. 3. – №. 03. – p. 112-113.
6. Меликова М. Н. Философский анализ духовного наследия Алишера Навои // философия и жизнь международный журнал. – 2022. – №. SI-1. С. 43
7. Меликова М. Вопросы исторического познания в духовном наследии Алишера Навои // Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 93-98.
8. Melikova M. N. The concept of wahdad ul wujud in the spiritual heritage of Alisher Navoi // Academia Globe: Interscience Research. – 2022. – Т. 3. – №. 03. – p. 105-111.